

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 3 СЎМ



БОЛА ДУНЕНИ ТЕБРАТАР...

Суратчи: С. МАҲКАМОВ

## АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Утган йил Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси оиламиз ўзининг қадим мавқеини тиклаши, жамиятнинг устунига айланишида зора ўз ҳиссасини қўйса, деган эзгу ниятда «Оила ва жамият» газетини ташкил этганди. Мана, бузун Сиз билан ilk бор учрашганимизга ҳам бир йилдан ошди.

Бир йил тарих саҳифасида лаҳзалик аҳамиятга эга бўлса-да, газет ҳақида Сиз азиизларнинг ўз фикрингизни айтишингиз учун етарли фурсат. Шу давр ичида хонадонингизга «Оила ва жамият» тўғайли салгина тотувлик, хушқайфият кирган, ўзингизни қийнаган муаммоларни ўқиб, қалбингиз бироз ёришган, саҳифаларга кўз югуртириш баробарида мийингизда озгина кулгу зухур бўлган бўлса, демак, умримиз бесамар кетмабди.

Биз Сизга бундан кейин ҳам ана шундай қайфият бахш этиш учун баҳоли қудрат интилавера-

миз. Газетингизнинг (илло, «Оила ва жамият» Сизнинг газетингиз) ушбу сонидан бошлаб, ана шу ниятда, «Хориж ҳаётидан» номи билан янги саҳифа очдик. Бу саҳифада хорижий мамлакатлардаги мухбирларимизнинг хориж, ажнабий сайёрадошларимиз ҳақидаги ранг-баранг материалларини бериб борамиз.

Айни пайтда, бир кам дунё деганларидек, газетнинг ҳали ўзига хос камчиликлари, ёритишимиз лозим бўлган, бироқ эътибордан четда қолаётган мавзулари кўп. Зукко ўқувчи сифатида Сиз буларни кўриб, билиб турибсиз, албатта. Шулар ҳақида фикрингизни билдириб, севимли газетингизнинг яна-да ўқишли, қизиқарли бўлишида имкон қадар ҳиссангизни қўйсангиз, деган умиддамиз.

Аллоҳ Сизларни иймондан, газетни Сизлардан айро қилмасин!

## УШБУ СОНДА:

ХАЙРИДДИН СУЛТОН:

БУ ЙУЛЛАР КўП ҚАДИМ ЙУЛЛАР...

НАВРЎ РИЗО:

ГУРЖИСТОН —

ФИДОЙИЛАР

ДИЕРИ

## Етти кун

## ЛЕНИН БИЗ БИЛАН ЭМАС

Мамлакатимизнинг бош олий ўқув юрти энди Тошкент Давлат Дорилфунуни дея аталадиган бўлди. Ундан собиқ дохй номи ва ҳайкали олиб ташланди.

## МАРИАННА МАСКОВДА

Навбахор туманидаги Қорақон қишлоғида эса бир аёл машҳур филмнинг давомини кўраётганида қаровсиз қолган уч яшар ўғли анҳорга чўкиб кетди.

## «АДИДАС»НИ КИМ КИЯДИ?

Поп туманидаги Марғизор қишлоғида «Адида», «Монтана» киёби олган ўқувчилар мактаб остонасидан қайтишди. Сабаб — директор янги «мода»ни ҳазм қилолмаган эмиш.

## ИККИ СЎМЛИК ТУШЛИК

Тошкент вилоятидаги Усмон Юсупов номли узумчилик-боғдорчилик бирлашмаси музхонасининг ходимлари учун тушлик... икки сўмга тушяпти. Қолган ҳаражатларни ташкилот ўз зиммасига олди.

## ҚОЙИЛ!

Пойариқ туманидаги «Навбахор» жамоа ҳўжалигида истикомат қилувчи аҳолининг неча ўн йиллик орузи ушалди: энди улар бемалол чўмилишлари мумкин! Ҳаммом ишга тушди.

## ВИНОЧИЛАРГА МАЗЗА

Утган байрам арафасида Самарқанд вино заводи ишчи-хизматчилари салкам бир миллион сўм мукофот олишди. Ичяпмизда! Биз ичмасак виночиларга мукофот қайда!!

## ҲАЛҚЛАР ОТАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Хатирчи туманидаги собиқ партия XXII съезди номли жамоа ҳўжалигида яшовчи Турдунийёз бобо Раҳимов яқинда дунёга келган набирасига Сталин деб исм қўйди. Тилагимиз — Сталинбойнинг ўмири узоқ бўлсин!

Дарвоқе, Сталинбой кимнинг изидан борар экан!..

## «5» БАҲОГА — МАОШ

Хива туманидаги А. Макаренко номли мактабда аъло баҳога ўқиган юқори синф ўқувчиларига маош берила бошланди. Ҳозирча бундай «бахт»га йиғирма нафар ўқувчи мушарраф бўлган. Маош 20 сўм. Бу пулга тўрт марта музқаймоқ ейиш ёки икки марта кинога тушиш мумкин.

## ЖАБҲА ҚҮРБОНСИЗ БЎЛМАС

Ҳазарасп тумани темир йўл бекати ён биқинидаги чайқов бозорининг таърифи дoston. Бу ерга қўшни Қозоғистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон Республикаларидан минг-минглаб ҳаридорлар келишмоқда. Жой тор, одам тирбанд. Шундан ақинда бозор издиҳомида Мухомон қишлоғилик бир онахон жон таслим қилди...

Бу мамлакатда газет чиқариш, газетчи бўлиш ҳеч қачон осон кечмаган. Илгари комфирқанинг темир панжалари бу икки бечорани ҳар томонлама қисган бўлса, энди иқтисодий бўҳронлар ва ўзингизга маълум бошқа сабаблар уларнинг имконини чеклаб турибди. Аммо шундай эса-да, сўнгги йилларда жумҳуриятимизда талай янги газет-журноллар бўй кўрсатди. Бугун сиз эллик бешинчи, «юбилей» сонини ўқиб турганингиз — «Оила ва

сақлаб қолиш янада қийин кечяпти. Йўқ, гап фақат иқтисодий муаммоларда эмас!..

Аммо кўнгилга таскин ва илҳом берувчи бир манба бор. Бу ҳам бўлса, Сизнинг меҳрингиз, азиз мухлис!

Сиздан келаётган хатлардан, жойларда бўлаётган учрашувлардан билаяпмизки, кўпчилик газетимизни иштиёқ билан ўқийди. Айниқса «Етти кун», «Дераза», «Маслаҳат», «Танишув» (эълонлар) каби бирор бир ўзбекзабон газетда учрамай-

шимиз билан ютоқиб ўқиб чиқамиз. У бошқа газетларга сира ўхшамайди. Жуда қизиқарли...

Газетчи учун бундан ортиқ мактов, мукофот йўқ. Сиздан бундай оташнафас мактублар олганимизда, энг катта муаммолар ҳам бизга кичик бўлиб кўринади, азиз мухлис.

Газетимиз Ўзбекистон аталмиш улуғ юртнинг мустақиллиги билан бир пайтда дунёга келди. Мамлакатимиз, халқимиз бошига тушиб турган ташвишлар унинг ҳам

## ИНТИЗОРЛИК

жамият» ҳам ана шундай кенжа нашрлар жумласидан. Қарангки, унинг илк бор юз кўрсатганига ҳам бир йил бўлибди.

Бир йил!

Азиз мухлис! Бир лаҳза эсланг: газетимизнинг биринчи сонини қандай қаршилаган эдингиз?.. Бироз истеҳзо билан, тўғрими? Яъни, яна бир «Ленин учқуни» пайдо бўлибди, муассиси Болалар жамғармаси экан.

Бугун-чи? Бугун биз «Оила»мизни нафақат кичкинтойлар, катталар-да иштиёқ билан ўқийганини, ҳатто унинг номи улуғлар даврасида ҳам энг ўқишли нашрлар қаторида тилга олинаётганидан фахрланамиз.

Бу ишончини қўлга киритишимиз осон бўлмади. Уни

диган руқнлар тагида берилаётган материаллар мухлис-ларга жуда маъқул келмоқда. «Болалар дунёсини» болалар ўқиб мазза қилса, «Меърож адаби» барчанинг эътиборини тортди. Сақкизинчи саҳифада берилаётган суҳбатлар, ранго-ранг суратлар...

«Оила ва жамият» ҳаётга нафақат янги руқнлар, янги мавзулар билан, айна пайтда янги номлар билан кириб келди. Урол Ўзбек, Паҳлавон Содик, Ҳалим Сайид, Марҳаббо Аҳмедова, Азиз Абдували, Юсуф Зиёда, Баҳром Бек... Бу ёшларни «Оила ва жамият» кашф этди. Элга танитмоқда...

«Оила ва жамият»нинг ҳар бир сонини бугун оиламиз билан интизор кутамиз. Оли-

кекида борлиги табиий. Оёққа туриш, ўзлигини англаш жараёни осон кечмаслиги аён. Лекин бу қийинчиликлар, азоблар, чеклашлар ўтгуси. (Ахир уларнинг қанчадан-қанчасини бошимиздан ўтказмадик?) Зиёга ташна элимиз саодатли кунларга етгуси. Бизнинг орзумиз эса ўшанда ҳам ўзгармай қолаверди — истаимизки, Сиздан кўпроқ хат олсак, унда шундай фараҳбахш сатрлар бўлса:

«Оила ва жамият»нинг ҳар бир сонини бутун оиламиз билан интизорлик билан кутамиз...

Қулман ОЧИЛ  
«Оила ва жамият» таҳрир  
ҳайъати аъзоси.

## ЎРОЛ ЎЗБЕК — МУКОФОТ СОҲИБИ

Август ойининг (1000 сўм) мукофоти ҳам ўз эгасини топди. Бу галги соврин дили нозик, сўзи кескир, гурури баланд қаламқашга тегди.

Урол Ўзбек 1962 йил Нурота туманида туғилган. ТошДД филология факултетидан таҳсил олган.

Ҳозир «Оила ва жамият» газетидан бўлим мудури вазифасида ишламоқда.

Урол Ўзбек «Ўзини ўзи суяб катта бўлган одам» суҳбат-мақоласи учун ўшбу мукофотга сазовор бўлди.

Мукофот ҳомийси Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол» давлат ҳўжалиги.



ТЕКИН «ТАКСИ»

ЎзА сурати



Қатъиятли, мағрур, сўзининг устидан чиқадиған мард эркак бўлардим. Мужмал, беқарор эркак эркакми! Аёл-имни иззат-ҳурмат қилардим. Аёл зоти ширин сўзининг гадоси. Алқасанг, бир умр меҳр, вафо, садоқатда яшайди. Лекин ҳамма инжиқликларига ҳам кўникавермасдим. Қайсарроқ, талабчанроқ

Агар мен...

## ЭРКАК

шўғулланардим. Ҳафтанинг бир кунини оилам билан табиат қўйнида ўтказардим. Онда-сонда улфатчилик қилишни ҳам унутмасдим.

Ушлаган жойидан кесадиган, фарзандларни ҳам ҳурмат қилиб, ҳам ҳайиқиб турадиган қаттиққўл ота бўлардим. Уларни ҳар қандай шароитда ҳам нонини топиб ейдиган, одобли, инсофли одам қилиб тарбиялашга интилардим.

Хотинини меҳнаткаш, камтар қизлар орасидан танлардим. Отасининг мавқею, қизининг кетворган қадди-қоматига учмасдим. Хотинимга мени севиши учун шароит яратиб берардим. Рўзгоримни бут, турмушимизни фаровон қилиб қўярдим.

Зухра ШОКИРОВА  
журналист

## БЎЛГАНИМДА...

бўлардим. Шундай хислатли эркаклар аёлларга баринбир ёқади.

Бўш қолсам ўзимнинг томорқамга ишлов берардим, уйга қарардим. Маишатга берилмасдим. Спорт билан

# БОЛАЛАР ДУНИСИ

Одобли болаларнинг ўйинлари зарарсиз нарсалар билан бўладур. Китоб, жузгир, қаламдон, давот билан ўйнамаслар. Мактабдан ташқари чиқиб ўйнаганларида ҳам безарар ўйинлар ўйнарлар. Бир-бирларига озор етказадиган ўйинлар—кураш, чиллак, ўқ отмоқ кабиларни ўйнамаслар. Тарбия топган одобли болалар ўзларидан кичик ва ё ўзлари билан баробар болаларга ниҳоятда шафқат ва му-

## ОДОБЛИ БОЛА 4 ДАРС

руватли бўлурлар. Ҳамма вақт укам ва қариндошим деб сўзларлар. Ўзидан катта болаларга бундан ҳам яхши муомала қилурлар. Одобли бола мактабдан қайтганида тўғри уйига борар. Одобсиз болаларга ўхшаб мактабдан чиққандан сўнг кўчаларда ўйнаб, майдонларда ўйин излаб юрмаслар. Одобли бола мактабдан келганидан сўнг тугалланмаган сабоқ ва машқларини бажаришга киришур. Агарда роҳатланмоқ хоҳласа кўчага чиқиб, ўз эшиги олдида ҳамкасблари ва ё дўстлари билан сўзлашиб ўтирадур.

«Насиҳатнома»дан.

— Бугун боғчада нималар единг? — сўради Санжардан онаси.

— Ширгуруч, печенье, олма.

— Яна-чи?

— Яна... Боғча опамдан бир шাপалоқ едим.

10 яшар Олим Олимдасидан пул ундириш мақсадида:

— Дада, тушимда Сиз менга 5 сўм берибсиз, — деди.

— Уша пулга музқаймоқ олиб егин, — деди дадаси.

ДАВРОНБЕК.

## АКАМГА ҚИЙИН

Ойи, акам армиядан келса қийин бўлади, — деди кичкина Шоҳиста.

— Нега ундай дейсан? — ҳайрон бўлиб сўради ойиси.

— Чунки акам келиши билан бувим унинг бошини иккита қилиб қўяркан.

## «КАМТАР» ЎҚУВЧИ

— Сен нега дарсда ҳечам жавоб бермайсан? — сўради ўқитувчи ўқувчидан.

— Мен камтар боламан, — жавоб берди ўқувчи.

## КУНДУЗИ ИШЛАЙДИ

— Нега сиз кундуз кундузи одамнинг кўзини шамғалат қила-



Суратчи: Жўра БОБОРАҲМАТ

яписиз? — деди харидор сотувчига.

— Нега десангиз, ойимлар кечаси ишламайдилар, — деди сотувчининг маҳмадона қизи.

## МЕҲНАТ ДАРСИДА

— Ким куракча ясагини билди? — сўради меҳнат ўқитувчиси.

— Уста! — Бараварига жавоб беришди болалар.

## БИЛЕТИНГ КУЙДИМИ?

— Кинога боргунча дарс тайёрласанг бўлмайди? — деди ўқитувчи Самадга.

— Кинога борганим йўқ, — деди Самад ўжарлик билан.

— Ие, кеча кинога кирмадингми? Агтанг, билетинг қуйибди-да, бўлмасам, — деди шивирлаб партадоши.

Мирза Раҳим МАМАЖОН

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

«Оила ва жамият» газети болалар учун «Ёш талантлар ўз юрти ҳақида» танловини эълон қилади.

Танловда қатнашишни истаган ҳар бир бола ўзининг қишлоғи, шаҳри, умуман, туғилиб ўсган юрти ҳақида қизиқарли расм, шеър, ҳикоя ва мақолалар юбориши мумкин.

Энг яхши асар муаллифлари Болалар жамғармаси Ҳайъати томонидан таъсис этилган қуйидаги му-

кофотлар билан тақдирланади.

1-ўрин учун 1000 сўм

2-ўрин учун 500 сўм

3-ўрин учун 300 сўм

Шунингдек, «Ўйла, изла, топ» руқни остида берилаётган топишмоқ, бошқотирма ва жумбоқ саволларга жавоб топиб, қизиқарли саволлар йўлаган билағонни ҳам ўзига хос совға кутмоқда.

Мукофотлар келгуси йил Мустақиллик байрами арафасида топширилади.

## ОСМОН БОЛАЛАРИ

Азиз кичкинтойлар. Биласиз, биз ер юзида яшаймиз ва ҳар кун Кўёш, Ой, Юлдузларни кузатамиз. Сиз Кўёшнинг, Ойнинг, ҳатто Юлдузларнинг ҳам болалари борлигини, ҳойнаҳой, билсангиз керак. Улар Сизга, яъни Ер болаларига қизиқ-қизиқ эртаклар, қувноқ қўшиқлар, ҳар хил ўйинлар юбориб турдилар.

Қайсидир кун, энди оқшом тушган маҳал сомон йўлида қувлашмақоқ ўйнаб юрган Юлдуз болалари — ерга бир зум қўниб ўтишга қарор қилибдилар. Чунки улар Ер болаларининг нима билан машғул эканликларини би-

лишга қизиқибдилар.

Айтгандай, Юлдуз болалари бизга, яъни ер одамларига кўринмайдилар. Улар шундай тез учадиларки, ҳатто ҳаёлимиз ҳам уларга ета олмайд.

Улар кўрсаларки, Ер болаларига қувноқлик, хушқачқлик, қизиқ-қизиқ эртаклар етишмаётгандек эмиш. Шундан кейин Ер болаларини қандай хурсанд қилсак, дея ўйлашиб қилишибди. Ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят жудаям қувноқ, ҳатто қизиқ-қизиқ эртаклар айта оладиган кучукча юборишга қарор қилишибди. Кучукча юнги узун, катта бўлишига қарамай, ниҳоятда

ёқимтой, исми эса Дора экан. Унинг пешонасида олтин юлдузча чарақлаб тураркан ва бунини фақат юлдузларгина кўра олар эмиш. Ер болаларига эса у катта хол бўлиб кўринар экан.

Уларнинг айтишича, Дора ерда пайдо бўлар эмиш ва унинг эртакларини эшитган, ўқиган ҳар бир бола жудаям қувноқ, хушқачқак бўлармиш. Бу эртаклар орқали Юлдуз болалари Сизга — Ер болаларига кулгу, бахт улашармиш.

Шундай қилиб, болажонлар, Доранинг эртакларини кейинги сонлардан ўқий бошлайсиз.

## ДЎСТ БЎЛАЙЛИК

Ассалому алайкум қадрли тенгдошлар!

Ҳар бир инсоннинг ўз орзуси бўлади. Мен ҳам дўстларимнинг кўп бўлишини орзу қиламан. Ўзим ҳақимда ёзсам, ёшим 13 да, 8-синфга аъло баҳолар билан ўтдим. Муסיқага қизиқаман. Ўй ишларининг ҳаммасини уйдалай оламан.

Мен билан дўгона бўлишни истасан аълочи, билимдон, оқил қизларнинг қуйидаги манзилга хат битишларини сўрайман.

700190. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод мавзеси, 8-даха, 43-уй, 19-хонадон. Нилуфарга.

Азиз болажонлар! Саҳифангизга тенгдошларингиздан кўплаб мактублар келмоқда. Мактуб эгалари берилган бошқотирма ва топишмоқларга тўғри, аниқ жавоб йўлашган.

Жумладан, Тошкент вилояти, Ғалаба туманидан 3-синф ўқувчиси Баҳодир Дадабоев, андижонлик 7-синф ўқувчиси Одинахон Маматқулова, Қаршидан Гавҳар Раҳматова, фарғоналик 6-синфни аъло баҳоларга тугатган Азиз Азимов, Жиззахдан Дилрабо Боймирзаева, Сурхондарёнинг Жарқўргон туманидан Икром Тангировлар жуда топиқлик билан жавоб йўлашган.


Ҳатто қорақалпоғистонлик тенгдошингиз Женисбой Турдимуродов ҳам тўғри жавоб йўлаш билан бирга, қизиқ-қизиқ воқеалар ҳақида ёзиб туришини айтибди.

Утган сонда эълон қилинган «Бошқотирма»га жавоб. Ушбу жавобни 6-синф ўқувчиси Икром Тангиров йўлаган.

|   | I | II | III | IV | V | VI | VII |
|---|---|----|-----|----|---|----|-----|
| 1 | А | Ш  | Ғ   | А  | Б | А  | Т   |
| 2 | Ф | А  | Р   | Ғ  | О | Н  | А   |
| 3 | П | А  | Р   | К  | Е | Н  | Т   |
| 4 | Ч | И  | М   | К  | Е | Н  | Т   |
| 5 | Д | У  | Ш   | А  | Н | Б  | Е   |
| 6 | В | О  | Б   | К  | Е | Н  | Т   |
| 7 | Т | У  | Р   | Т  | К | У  | Л   |

(55)37 «Оила ва жамият»

ХАЙРИДДИН СУЛТОН:



# БУ ЙЎЛЛАР

— Хайридин ака, илмий экспедиция аъзоси сифатида салкам икки ой давомиде Бобур Мирзо қадамжолари бўйлаб сафарда бўлиб қайтдингиз. Аввало, шу савобли иш қилларнинг ташаббуси билан амалга ошди! Сўх-батимизни шундан бошласек.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Маълумки, шу йилнинг бошида Андижон шаҳрида буюк ватандошимиз ижодининг бир гуруҳ фидокор илмий-ташаббуси билан Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция ташкил топган эди. Бу ҳаракатга оташин бобурпарвар, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Андижондаги илмий ишлаб чиқариш биришмаси бошлиғи, табиатшунос олим Зокиржон ака Машрабов бош-қош бўлдилар.

Бу унутилмас сафар Шарқнинг икки кўҳна ва мўқаддас шаҳри — Самарқанд Бухородан бошланди. Гўри Амир, Мирзо Улугбек, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари улуғ боболаримиз макбараларини зиярат қилган, Туркманистон орқали Божигирон деган манзилдан Эрон Ислому Республикаси ҳудудига ўтди. Машҳад, Техрон, Исфаҳон, Ҳамадон, Табриз каби шаҳарларда бўлди. Азиз-авлиёлар, табаррук алломуларнинг қадамжоларини зиярат қилиб, видео ва фототасвирларга туширдик, илмий тавсифларни ёзиб олдик. Кейин йўлимиз Туркия томон давом этди. Бунинг иккинчи сабаби бор эди. Биринчиси шуки, биласиз республикаимиз мустақил давлат сифатида ҳали ёш, хорижий мамлакатларда ҳозирча элчионаларимиз йўқ ҳисоби. Шу ваздан биз келишувга мувофиқ Туркия Ташқи ишлар вазирлигининг элчионалари ёрдамида сафаримиз ўтадиган мамлакатларга виза олишимиз лозим эди. Анқарага келиб, турк биродарларимиз ёрдамида керакли ҳужжатлар олинган, Сурияга қараб йўл олдик, ундан Иордания Ҳошимийлар Қироллигига ўтдик. 1 июн куни биз тушган «Тойота» машиналари Саудия Арабистонига чегарасига кириб борди. Оллоҳ марҳамати билан ул табаррук диёрга етиб бормганимизда Ҳаж мавсуми бошланган эди. Насибамиз қўшилган экан, юртимиздан ҳажга борган юзлаб мусулмон оғаниларимиз билан ўн саккиз кун Мадинаи мунавварада, Маккаи мукаррамада бирга бўлдик. Бутун дунё мусулмани яроғида улуғ бир меҳр, чексиз ҳаяжон билан тапналидиган Қабабуллоҳда, Арофат тоғида, Минода, Муздалияфа саҳросида бўлиб, мусулмонларга бешинчи фарз бўлган ҳаж арконларини адо этдик. Бу кунлар умримизнинг бағоят саодатли ва масъуд онлари бўлди, десам муболага бўлмас.

Бизни бу юртларга бошлаган иккинчи бир сабаб шуки, мазкур ўлкаларда Бобур Мирзонинг буюк аждоди Амир Темир юрган йўллардан ўтиш ҳам сафаримиз режасига киритилган эди. Маълумки, шавкатли жаҳонгир жангу жиҳодлар билан Эрон, Туркия, Шом (Сурия) мамлакатларига қадар фатҳли юришлар қилган. Бобурийлар тарихини эса темирүйилар тарихисиз ўрганиб ва тасаввур этиб бўлмайди. Сафар йўналиши ана шу фикр-мулоҳазалар асосида белгиланган эди.

— Хайридин ака, ҳар қандай узоқ сафарнинг ўзига хос қийинчиликлари, ҳангомалари, таъбир жонз бўлса, қўрқинч саргузаштлари ҳам бўлади...

— Файласуф шоиримиз Фафур Ғулом айтганларидек, «бу йўллар кўп қадим йўллардир». Жаҳоннинг фотихлари, уламою тужжорлари кезган

қонли-шонли йўллар. Сафар чоғи, табиий, бир қанча муаммо-мушкулотларга ҳам дуч келдик. Масалан, биз ана шу улуғ ва қадим йўллардан ўтишимиз учун аввало, республикаимиз Халқаро автомобил ассоциациясига аъзо бўлиши ҳамда унинг бадалларини вақтида тўлаб туриши лозим экан. Буни қарангки, республикаимиз у ёқда турсин, ҳатто собиқ СССР ҳам бу ассоциацияга аъзо бўлмаган экан. Биз чет эл маъмурларига узоқ тушунтириш, илтимослар билан, ниятимиз ҳолис эканлигини, юртимиз эндигина мустақил бўлганини айтиб, кўпдан кўп қийинчилик ва ҳафталаб кутишлардан сўнггина у давлатлар ҳудудидан ўтишга зўрға ижозатнома олишга эришдик.

Яна бир қийинчилик (буни ҳангома дейиш ҳам мумкин) шу бўлдики, аксарият давлатларнинг чегараларида бошпуртимизни (паспорт) кўриб маъмурлар хайрон бўлишди: «СССР деган давлат йўқ-ку, қандай қилиб йўқ давлатнинг ҳужжати билан шундай олис сафарга чиқдинглар?», Биз ўзимиз ҳам хайрон эдик-у, лекин уларга, ҳозир бизда иқтисод чатоқ, қогоз қаҳат, бошпурт босадиган корхонамиз йўқ деб тушунтириб бўлмас...

— Афғонистонга қандай кириб бордингизлар? Ҳар қалай, у ерда вазият хийла мураккаб эди-ку!

— Дарҳақиқат, Афғонистонда вазият анча мураккаблигини билардик, лекин аҳвол биз ўйлангандан ҳам кес-

ширдик, илмий баёнларини ёздик, тегишли расм-русумларни адо этиб, Бобур Мирзо қабридан бир ҳовуч табаррук тупроқ олдик.

Афғонистондаги уруш-тўполонларга қарамай Боғи Бобурийнинг яхши сақланганлиги бизни кўп хурсанд қилди. Афғонистонлик биродарларимизга чин дилдан ташаккурлар билдирдик.

Мозори Шариф шаҳрига келганимизда афсонавий ўзбек генерали Абдурашид Дўстим билан учрашишга муяссар бўлдик. Афғонистоннинг машҳур қаҳрамони бўлмиш бу инсоннинг тақдирга гоёт мураккаб. У йигитлари билан жиҳод жангларида иштирок этган. Шу кеча-кундузда тасарруфидоги ярим миллиондан зиёд қўшини билан мубориза кураши — барча миллатларнинг тенглиги ва озодлиги учун ҳаракат олиб бормоқда экан.

Сафаримиздан кўзда тутилган мақсадлардан бири — афғон урушида асирликда қолиб кетган 44 нафар ўзбек йигитининг тақдирини ўрганиш масаласи эди. Биз асирлар рўйхатини генерал жанобларига ҳавола этиб, бу борада ёрдам беришларини сўрадик. Бунга жавобан генерал яқинда бир асир йигитининг дарагини топиб, элчиона орқали ота-онасига хабар берилгани, бу йўсиндаги ишлар давом этажани маълум қилди ва қўлимиздан келган барча чораларни кўрамиз, деб ваъда берди.

— Балки хабарингиз бордир, экспедиция ва унинг таркиби ҳақида бир мунча паст-баланд гаплар айтилди. Баъзиларнинг назарида гўёки сизлар шунчаки бир сайру саёҳат қилиб келгандай...

— Бобур Мирзонинг макбарасини ўрганиш, табаррук қабридан тупроқ олиб ватанимизга келтириш, музей-

бон ҳам бўлган экан. Қаерга борманг, Бобур Мирзонинг номи билан аталган албатта бир гўзал, муаззам, тарихий боғни боғлаб гапирарилар: Бобур Мирзодан қолган боғ, Бобур Мирзо тартиб берган боғ, Бобур Мирзо даврида қурилган боғ, бобурийлар қурган боғ, деб. Пайғамбаримиздан қолган шундоқ ҳадис бор: «Эртага қиёмат деган кун ҳам дарахт экингизлар». Назаримда, бобомиз умр бўйи шу ҳикматга амал қилиб ўтгандек. Бўлмаса, биласиз, «Бобурнома»да ўзи армон билан айтганки: «Ун бир ёшимдан то ҳануз бу кунга икки рамазон ҳайитини бир жойда қилолмадим» деб. Демак, у доимо йўлда, сафарда, жангу жиҳодда бўлган. Лекин шунга қарамай, борган жойида бир ҳафта турадимки, бир йилми, албатта шу жойини обод қилиш, ўзидан ҳеч бўлмаганда бирор дарахтни нишон қолдиришга ҳаракат қилган экан. Бу гоёт ибратли тарихий ҳодисадир.

Ҳозир ана шу боғлар Ўзбекистону Афғонистонда, Покистонунинг Ҳиндистонда унинг руҳига тасбеҳ айтиб тургандек...

Умуман, сафар давомида мен улуғ боболаримизнинг улуғлиқ ҳикматлари нақадар юксак мақомга эга бўлганлигини яққол англадимки, мен учун энг катта таассурот шу бўлди.

— Мавзудан четлашиб, шуни сўрамоқчи эдим: сафардан фарзандларингизга, аёлингизга қандай совга олиб келдингиз? [Сир бўлмас, албатта]. Умуман, аёл кишига совга беришга қандай қарайсиз?

— Икки ўғил, бир қизим бор. Ўғилларимга ҳисоб-китобни ўрганишнинг, деб электрон чўт олиб келдим. Қизчамиз кўғирчоқ илтимос қилган эди. Буюртмасини бажардик. Исломободда ҳарид қилган кўғирчоғимиз жуда антиқа экан: ҳам йиғлайди, ҳам гапирди. Оғизга сўғичини солиб қўйсангиз жим бўлади. Қизчамиз ўзида йўқ хурсанд, боғчасига олиб бориб ўртоқлари билан бирга ўйнаб юрибди. Боланинг қувонгани — ота-онага энг катта давлатдир.

Аёлимизгайм, ишқилиб, ўзига яраша совга-салом олиб келдик.

Энди аёлларга совга бериш масаласи

# КЎП ҚАДИМ ЙЎЛЛАР...

қин бўлиб чиқди. Бу ўлкада ҳали ҳам ўқ товуши тинган эмас, турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги низолар давом этаётган экан. Лекин шунга қарамай, Оллоҳнинг марҳаматига суяниб, улуғ бобомизнинг руҳига таяниб, ўйлаган ишларимизни амалга оширишга киришдик. Қалитс, таҳликали ҳолат ҳукм суриб турганга қарамай, Жалолобод, Қобул, Мозори Шариф шаҳарларида бўлиб, илмий ишлар, адабий-маърифий учрашувлар ўтказдик. Айниқса, Бобур Мирзо сўйган масканлардан бири Қобул шаҳрида бошимиздан кечган воқеалар асло унутилмасдир.

Бизни Боғи Бобурга Мухаммад Али отлиғ биродаримиз бошлаб борди. Бу йигит бокс бўйича Афғонистон гoliби, миллий терма жамоа аъзоси, Тошкентда, Андижонда бир неча марта бўлган. Ҳозир қўлида қурол билан ҳарбийлар сафида хизмат қилмоқда.

Бобомизнинг мангу оромгоҳи баланд тоғ ёнбошида, хушхаво, сафоли боғ қўнида жойлашган экан. Боғда қандайдир қуролли гуруҳ қароргоҳ қурган экан, Мухаммад Али ёрдамида уларнинг қўмондонига илтимос қилиб, мақсадимизни тушунтирганимиздан сўнг боққа киришга ижозат бўлди. Бутун борлиғимиз ҳаяжонга тўлиб, қабр томон оҳиста қадам қўйдик. Бобомизнинг қабрларини зиярат этиб, тиловат қилдик. У муборак зот даврида бунёд этилган оқ мармар масжидда икки ракат намоз ўқилди. Боғ ва макбарани видео, фототасвирга ту-

ларда, кутубхоналарда амалга оширилган ишлар, тўпаланган илмий маълумот ва адабиётлар. Бобур юрган йўллар харитасини яратиш, бобуршунос олим ва адиблар билан учрашувлар... Албатта, булар ҳали келгусида қилинадиган ишлардан ҳамир учидан патиридир. Юрган йўлимизнинг қаери тоғ, қаери чўл, қайси жойдан қайси шаҳарга ўтилади — биз буларнинг ҳаммасини чизиб белгилаб бордик. Ниятимиз — сафаримиз ўтган йўлларнинг автомобил харитасини ҳам тузиб чиқишдан иборат. Бу хаританинг катта амалий аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиздир.

Андижонда шоир юртдошлари машҳур Боғи шамол мавзесида Қобулдаги сингари боғ барпо қилиб Бобур Мирзонинг рамзий макбарасини тикламоқчи. Келажак режалардан яна бири — келгуси йили Бобур Мирзонинг 510 йиллик юбилейига бағишлаб, экспедиция ташаббуси билан Андижонда халқаро илмий анжуман ўтказиш мўлжалланмоқда. Ҳуллас, экспедициянинг иши эндигина бошланмоқда, деб айтиш мумкин.

— Бобур ижодини, ҳаётини кўп ўргангансиз. У ҳақда ўнлаб ҳикоя ва мақолалар ёзгансиз. «Саодат соҳили» каби гўзал қисса битгансиз. Айтмоқчиманки, сафар давомида Бобур шахсиятига доир янги бир жиҳатларини кашф этган бўлсангиз керак!

— Биз Бобур Мирзонини улуғ шоир, олим, саркарда, давлат арбоби сифатида билардик. Лекин у зот буюк боғ-

сига келсак, бировга бу борада аниқ бир тавсия бериб бўлмайди. Менинча, ҳар бир оиланинг ички маҳрам сирлари, ўзаро муносабатларидан келиб чиққан тартиботлари бўлади. Шу асосда ҳал қилингани маъқул. Лекин яхши кунларда кичкинагина бўлса-да, бирор совга берилса, ёмон бўлмас керак.

— Мухаббат ҳақида фикрларингиз...

— Мухаббат ҳақида? Бу хусусда дўстим Мухаммад Юсуфдан ўтказиб бир нима деёлмасам керак...

— Сўнгги савол: кўриниб турибди, анчагина чарчасиз. Ўн саккиз минг чақиримлик йўл ҳали ўзини билдириб турса керак. Мабодо ана шундай сафарга таклиф этилсангиз, борармингиз?

— Саёҳатчи қурбақа ҳақидаги эртаник эшитган бўлсангиз керак. Олис, сирли ўлкаларга ҳавас, саёҳат завқи ҳатто қурбақани ҳам тинч қўймаган. Биз-ку, тирик одамимиз. Қолаверса, дунёга фақат ойнан жаҳон орқали — Юрий Секевичининг кўзи билан қарагининг ҳам нихоси бўлса керак. Тағин бир гап: таклиф этилган жойга албатта бормоқлик — мусулмлар зиммасидаги бурчдир. Яна худо билади...


Баҳром БЕК сўхбатлашди

СИЗ КИМСИЗ!

1. Аччиқ таомларни ёқтирасизми? Ҳа — 4 очко, йўқ — 1 очко.
2. Турли мавзуда гурунглаша оласизми? Ҳа — 3, йўқ — 2.
3. Рақсга тушишни ёқтирасизми? Ҳа — 1, йўқ — 3.
4. Давраларнинг гули бўла оласизми? Ҳа — 1, йўқ — 3.
5. Гоҳида қувончдан сакраб кетгиниз келадими? Ҳа — 4, йўқ — 2.
6. Баъзи вақтларда белингиз огрийдими? Ҳа — 1, йўқ — 2.
7. Мисвокнинг юмшоғини ёқтирасизми ёки қаттиғини? Юмшоғини — 1, қаттиғини — 3.
8. Сартарошхонага боришдан олдин сочингизни қайси фасонга келтиришни биласизми? Ҳа — 3, йўқ — 1.
9. Кроссвордларни ёқтирасизми? Ҳа — 1, йўқ — 4.

10. Тушқунликка тушиб турасизми? Ҳа — 1, йўқ — 4.
  11. Кеч уйкуга ётишингиз ўзингизга сезиладими? Ҳа — 4, йўқ — 1.
- ЭНДИ ОЧКОЛАРНИ ҲИСОБЛАНГ.**  
20 очкогача: Табиатан нозик, сезгир, тинчликни хоҳлайдиган инсонсиз. Яхши дўстсиз, лекин кўплар сизни тез жонга тегадиган одам деб ҳисоблайди.
- 21 дан 25 гача: Совуққонсиз, тақдирга ишонувчан, танишларингиз меҳрига муҳтожсиз.
- 26 очкодан юқори: Табиатан босиқ одамсиз, сезги, хоҳиш, талабларни ўғри бошқара оласиз. Кишиларни ўғри баҳолайсиз.

Рустам МАРДОН тайёрлади



Суратчи: Р. АЛБЕКОВ

## Дераза

### САБОҚ

Янги ўқув йилида петербурглик мураббийлар ота-оналарни ҳайрон қолдиришди. Улар ўқувчилар мактабга одмироқ кийиниб келгани маъқул дейишмоқда. Сабаби: янги кийимдаги ўқувчи ўртоқларининг олдида уялиб қолиши мумкин — уни сабоқдошлари ечинтириб кетиши ҳеч гап эмас. (РТР).

### КОСАСИ ОҚАРАДИГАН КҮРИНАДИ

Кострома вилоятида «Алиментчи» халқ клуби рўйхатга олинди. Бу янги жамоат бирлашмаси аъзолари баҳамжihat ишбилармонлик билан шугулланиб, ўзларининг ҳам, фарзандларининг ҳам моддий фаровонлигини таъминлаш ниятида.

Кўнгил кемтиклигини... у бир гап бўлар, дейишмоқда алиментчи жаноблар. (И—Я)

### ШАНБАЛИК

Ленинград вилояти полизларига шаҳарликлар машиналарда ўғриликка тушишмоқда. «Шанбалик» иштирокчилари мелиса постларига топширган кунлик картошка хирмонлари тоғ-тоғ бўлиб кетмоқда. Кўнгилчиларга қарши турли жазо чоралари қўлланмоқда. Аммо улар аҳдларидан қайтадиган эмас чоғи — Ленин бобонинг ўғитини олишган-да.

Картошка ўғрилиги бошқа вилоятларда ҳам давом этмоқда. Жўмладан:

### ЯРОСЛАВЛИК ДЕҲҚОНЛАР

Картошқасини қовлаб олаётган икки ўғрини шунақа тузлашдики, иккаласи ҳам, оёқ-қўли синиб, мияси чайқалиб, касалхонага тушди.

### РИБИНСКДА

Бир саёқнинг бировнинг картошқазоридеги сайру саёҳати фожияли яқунланди. У 72 ёшли қоровул чол туз ва сочма аралаштириб ўқланган милтигини бир неча марта вараңлатгач, тил тортмай қулаб тушди.

Дарвоқе, сайёҳ ўқдан эмас, юраги ёрилиб ўлган эмиш.

### БИРОБИДЖОНДА

Пул топиш илнжиде келган хитойлик фермер жонига теккан ўғрилardan бири аччиқ устиде пичоқлаб қўйди. Энди неча йил олишини кутиб, ҳибсхонада ўтирибди.

## Эълонлар

### ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИНИНГ КОМПЮТЕР ТЕХНИКА МАРКАЗИ ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Компютер техникаси билан танишиш ва ўрганиш курсларига;

— 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар гуруҳига (машгулотлар бир ҳафтада бир ёки икки марта), ўқш мuddати икки йил;

— Катталар гуруҳи (машгулотлар 1,5 соатдан — бир ҳафтада икки марта), ўқш мuddати 3 ой, 6 ҳафта 9 ой; 2. Ёш қолган пайтларингиз турли хил тест саволларига жавоб бериб ўз имко-

ният ва камчиликларингизни билиб олишингиз, шунингдек, турли ўйинлар ўйнашингиз мумкин.

3. Кичик ва ўртача корхоналар учун ойлик, аванс, мукофот ва бошқа ҳисоб-китоб ишларини компютерда ҳисоблаб қозғога тушириб берамиз. Бир ойда бир ёки икки марта маълумот бериб турсангиз қийоя. Бажариш мuddати — бир кун, нархи: 20 дан ошмаган табела ёки тўлов варақаси ва бухгалтерияга керак бўладиган маълумотлар учун — 400 сўм.

МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ-29, НАМОЙИШЛАР ХИБОНИ, 1-ўй, 14-ХОНА. ТЕЛЕФОН: 39-14-08.

### ҚИЗЛАРХОН!

Бир мучал ёшинг билан табриклаймиз. Узоқ умр ва бахт-саодат тилаймиз. Келажак ҳаётинг ширин бўлсин деб ойинг, аданг, укаларинг



Феруза, Жаҳонгир, опанг Малика.

### ТАБРИКЛАЙМИЗ

Меҳрибон онамиз ва буви-миз Гулчеҳра мома!

Сизни қўтлуғ 70 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз ва узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Пардаевлар оиласи.

### РАВШАНБЕК — ШОҲИДАХОН

Никоҳ тўйларингиз билан қўтлаймиз. Сизларга Оллоҳдан узоқ умр, бахт-саодат ва ували-жували бўлишларингизни тилаймиз. Дўстларингиз: Соҳибжон, Бахтёр, Муҳаммадисо, Рўздатжон, Баҳром, Сойибжонлар.

Олтиариқ тумани

### 28 ЕШДА

Тошкент шаҳрида яшайман. Келишган, ёши 30—31 лардаги Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи (бир фарзанди бўлса розиман) йигитни чин дилдан бахтли қилиш ниятидаман. Уй ишларига устаман. Озодаликни, болаларга кийим тикишни, ҳурматни жойига қўя оламан. Бўйим 165 см, Манзилимни тахририятдан олишингизга розиман. «Оила-100»га деб мурожаат қилинг.

### 30 ЕШДА

Тошкентликман. Уйланмаганман. Зарарли одатларим йўқ, соғлиғимдан нолимайман. Йигит киши бажариши лозим бўлган барча ишлар қўлимдан келади. Эсли-ҳушли, муслима қиз билан танишиб, юлдузимиз юлдузимизга мос келса, турмуш қуриш ниятидаман. Уйи-жойи бўлса яна ҳам яхши бўларди. «Оила-101» мактубингизни кутади.

### 39 ЕШДА

Тошкентда яшайман. Икки хонали уйим бор. Илгариги хотиним ўрис миллатига мансуб эди, бирга яшай олмадик. Касбим ҳайдовчи. Емон хислатлардан холиман. Фарзандим йўқ. Ёши 35 дан ошмаган (бир фарзандли бўлса) аёлга уйланиш ниятидаман. Хатда суратини юбориш шарт. Мактубларингизни «Оила-103»га йўлланг.

# СЕН КЕЛСАНГ...

Кетмасингдан  
Санайман ожиз,  
Менга макон — тун қафасларин.  
Қийиб олар куз чопонини  
Мудрай бошлар, хўрсинади:  
Туш...  
...Келмасингдан  
Елади соғинч,  
Суюнчи сочади — оёқсиз бардош...  
Осмонни қўяди шамол супуриб,  
Гиналар телбавор, тентирар — Унут...  
Ёстигим гуллайди,  
Оққуш сув тарар...  
Майсанинг лабида —  
Бахт, нафасларинг!..

Шаффоф кўзаси-ла сузиб борар ой  
Сутига чайганча туннинг юзини.  
Ху-ув олис қишлоққа керак бориши,  
Майдалаб ўргали толнинг сочини.  
...Борлиқни қучоқлаб тебратар бешик,  
Оқшомнинг эркатой кўккўз келини.  
Зангор тун кўксига тўшаб оппоқ туш  
Юлдузлар атрофга кетар сочилиб...  
Булутлар оралаб ой сузар ёлғиз,  
Чайқалиб-чайқалиб томчилар хаёл...  
Милён йил чарчамас, шабнам — косада  
Толнинг сочларини ўраса ювиб...

Алдамчи ёмғирлар шивирлар  
этак:  
«Қалдирғочлар келиб беради  
хабар...

Ўриклар йиғлайди — оқдан либоси,  
Шомлар қучоғида ўпилмаган  
гул...»  
(Кўзларим йўлингда дайиди бадар)  
Кечаги...  
Бу йиш... кузнинг эртаги...  
Мусаввир боғларга тушаркан шогирд  
Тутарми эркалаб этагида гул?...  
...Ёмғирлар ёқмайди, гарчи улар пок,  
Шомларнинг шивири алдамчи кўпроқ...  
Ишқ — шароб...

Кўзларини сўраб юлдуздан,  
Ойдан юзларини сўрадим.  
Тушларимга тулпор киради  
Йўлларини тиландим ундан.

Бари менга дардчил боқади,  
Кўз олдимни қоплайди туман.  
Мени кўриб додлаб қочади —  
Зулматдаги кўринмас одам...

Қизғончиқ соғинч бу — сабри йўқ,  
Кўксига ҳасадлар туғилар.  
Армоннинг кўзида туби йўқ,  
Даҳшатлар аёвсиз йўғриллар.

Давраси шўх-хандон ғаразнинг,  
Кулмасанг юраги тошгинам,  
Кўзлари ситилсин аразнинг,  
Тиз чўккум, эҳ, осмон бошинам!..



Марҳабо АҲМЕДОВА

1971 йилда Қашқадарё вилоятининг Косон шаҳрида туғилган. ТошДД журналистика факултетининг сўнгги босқичида таҳсил олади. Айни пайтда «Оила ва жамият» газетининг муҳбири.

Сен келсанг,  
Ортингдан нигоҳ келмаса,  
Эшикни мажолсиз очмаса илинж.  
Эзгин умидларнинг соясин кутмай,  
Пешвоз чиқса сенга соғинган шодлик.  
Сен келсанг,  
Қучоқлаб Қумушбидини  
Муסיқа янграса севган торларда.  
Кўзингдан бисотинг асрий қорларин  
Эритсам, исми ҳеч айланмай музга.  
Кулгулар қатидан ёзилса чиндан  
Сен қадам қўйганда бу остонага  
Севинчининг бағрига сингиб кетарман  
Не бахтки, беибо нигоҳ келмаса  
Сен келсанг...



Пахлавон СОДИҚ —

1973 йилда Чортоқ шаҳрида туғилган. Айни пайтда ТошДД журналистика факултетининг 4-босқичида таҳсил олиш билан бирга «Оила ва жамият» газетида хизмат қилади.

## ХАЗОН СИПОҲИ

Хазон сипоҳига эй, боғбон эмас монёв  
А. НАВОИЙ

1.

Само тўлғоғида кўз ёрар сабоҳ,  
Фаршда туманлардан тикилар чодир.  
Мезон сийнасига тўкилган титроқ —  
Аршбаги илоҳий хавотир.

Шафақнинг жисмида заъфарон сезги,  
Ҳавода тамшанар ютоққан насим.  
Осмонда қорайиб кўринар севги —  
Зардобга айланган зангор нафасим.

Фалакни ҳижжалаб учади қушлар.  
Тайрий лисонида ҳижрат ояти.  
Мўнаввар сийрати меҳробга ўшар,  
Тақнога етаклаб кетар тоати...

# ЎЛИМ АРШ САҲНИДА, ТИРИКЛИК-ПАСТДИР...

2.

МАРСИЯ

Қайгадир қайғулар эзилиб оқар,  
Ел абр чокини сўқар қайдадир.  
Қайдадир хазонлар исирга тақар,  
Чувалчанг қорайиб чўқар қайгадир.

Униққан шарпалар сукунат сори  
Ўрмалай бошларкан ғамгин ўй суриб:  
Осмондан бенасиб, заминдан хориж,  
Шамоллар шаштига кетар бўйсуниб...

Фазонинг нигоҳи бирдан тораяр,  
Атрофга қора мушк сепар дафъатан.  
Тийралик домига тортилиб борар,  
Ёғдулар сиймига кўмилган Ватан.

3.

Суронлар, шарпалар — барчаси ғорат,  
Баҳрда солланган кемадай шуғла;  
Хиргойи қиларкан бир хил нақорат —  
Заминдан таралар ғамгин ашула.

Сукунатга чўмган кенглик кўксини  
Ғичирлаб эзаркан туннинг кавуши —  
Ишитилиб турар бемор, ўқсиниб  
Йиғлаётган қизнинг дардли товуши.

Мезонлар учади ҳавода шитоб,  
Марсия ўқийди зулмат сиёғи.  
Шажар — шамишини шир яланғочлаб,  
Бостириб келаркан ХАЗОН СИПОҲИ...

Раҳминг келмадими раҳимга Роҳим,  
Қаҳринг келмадими қаҳрга Қаҳҳор?  
Савоб сеникидир, менинг — гуноҳим,  
Оғоч меники-ку, сеникидир дор —  
Ассалому алайкум!..

Менинг фано ичра жабҳамми дунё,  
Замин тегармиди, фазо — гардишим?...  
Борлиқ — азиматми, адҳамми дунё,  
Сенинг-да йўқ ишинг, менинг йўқ ишим —  
Ассалому алайкум!..

Риҳлат тадориги — мунис ғалаён,  
Ҳижрат мақомида хотир абасдир.  
Ажал, сен қайда, мен қайда, алғамон?  
Ўлим Арш саҳнида, тириклик — пастдир —  
Ассалому алайкум!..

## «КЎРСАТМАЙДИГАН

## ОЛМОШЛАР» туркумидан

Мен: (!)  
Ховучинг очганинг замон,  
Юрак эмас,  
Унга дафъатан  
Ҳаво тўлиб қолмиш симобдай.  
Қўрқув эмас эди бу даҳшат,  
Қўрқув эмас эди ҳар қалай;  
Юрак отмади-ку ўзини  
Менинг — (!)  
Симоб тўлган мўътадил,  
Хавотир чайқалган уммонинг томон.

# ФИДОЙИЛАР ДИЁРИ ГУРЖИСТОН



## НАВРЎ РИЗО

«Оила ва жамият»нинг хориждаги (Гуржистон) биринчи ўз мухбири. 1969 йилда Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган. Тбилиси Давлат Дорилфунуни гуржи филологияси факултетининг IV босқич толиби.

Жаҳон миқёсида барча халқларнинг тутган ўз ўрни бор. Хилма-хил урф-одат, маданият, тарих, адабий жараён соҳиблари бўлмиш Кавказ халқлари, айниқса, гуржи халқи ҳам қадимдан ўзининг софдиллиги, мардлиги, қувноқлиги ва ҳамдўстлиги билан ажралиб турган. Осмон-пар тоғлар, булоғу денгиз суварли, ўрмон-чакалакзорлари, ям-яшил ўтлоқлари бу ўлканинг чиройи, нафосатидир. Айниқса, табиати мўъжизаларга бой бу ўлка бўйлаб, тоғлар, доvonлар оша саяҳатга чиқмоқ, тоғ чўққиларидаги жимирлаб тобланаётган қор уюмларини куёш аксида кузатмоқ, ўрмон узра жаранглаётган каклик овозини тингламоқ, табиат ноз-неъматини — мандарин, апельсинлардан мазза қилиб татишмоқ, уларнинг миллий вилоятларидан шох қадаҳларида мириқиб симирмоқ инсонга завқ-шавқ бағишлайди.

Хеч бир эътироз йўқки, ана шундай мўъжизаларга бой она табиатга эътиборли бўлиш, уни эъзозлаш, севиш, кўкларга кўтариш мардларнинг иши. Чунки ўша табиат, ўша тупроқ, ўша илҳомбахш кўриниш бу — Ватан демекдир.

Гуржи халқининг ўз ватанига муҳаббати, тарих, урф-одатларини, эътиқодларини мустаҳкам тутиши ватанга содиқлик ва мардликнинг тимсолдир.

Бундан тўрт йил муқаддам фақат қулоқ билан эшитган афсонавий шаҳар — Гуржистон пойтахти Тбилисини кўриш nasib этди менга. Самолётдан тушишим билан, аллақандай тилда гўжи-гўжи қилаётган гуржиларни, пештахталар, шаҳар кўчаларидаги ёзувларнинг гуржи алифбосида ёзилганини кўриб ёқа ўшладим. Улар фақат ўз тилларида гаплашардилар. Ҳайронлигимни йиғиштириб, фикрлай бошладим. Шунда, бу халқда миллийлик ва тилга эътибор кучлилигини пайқаб, ҳавасим ортди. Чунки халқнинг қадрини исботловчи омил — тил ва алифбодир.

Бизни аэропортдан ўқитувчимиз К. Квачантирадзе ўз машинасида ётоқхонага олиб кетаётиб, шаҳарнинг номи нега Тбилиси ва у нечанчи асрда

қад кўтара бошлаганини айтиб, ҳар хил тарихий жойлар тарифини ҳикоя қилиб берди. Унинг айтишича (кейин тарихдан ўқиганман), VI асрда Гуржистонда шохлик қилган Вахтанг Горгасал бир кун оғва чиқибди ва ҳавода учиб юрган калхатни найза билан уриб туширибди. Калхат яраланиб, қайнаб турган булоқ сувиға тушибди. Горгасал калхатга яқин келиши билан унга жон кириб, ҳавога кўтарилибди. Воқеадан ҳангу-манг бўлиб қолган шох аввал аччиқланибди. Сўнг шу суви қайнаб турган булоқ ўрнидан шаҳар қурдириб, Тбилиси деб аташга қарор қилибди. Шундан сўнг Тбилиси шаҳри қад ростлабди. Дарвоқе, Тбилиси — иссиқ жой деган маънони билдиради.

Домланинг гапларига қулоқ солиб, шаҳарни кузатиб бордик. Унқир-чўнқир, пасту баландликда қад ростлаган эски шаҳарга кираверишда худди Самарқанд мовий гўмбазларига ўхшаш мусулмон масжиди, унинг қаршисида «Мтквари» дарёсининг ўнг қирғоғида шаҳарга асос солган Вахтанг Горгасалнинг отга миниб, мағрур қўл кўтариб турган ҳайкали ва қояларга ёпишиб турган балқонли уйлар шаҳарнинг ойнасидек яққол кўзга ташланади. Дарё бўйидаги икки четига чинор экилган йўлдан тўғри арчазорга бурканган тоғдаги талабалар ётоқхонасига етиб бордик. Талабалар шаҳарчаси бошқарувчиси бизни жуда қувноқлик билан кўтиб олди. Жойлашдик. Ун саккиз қаватли бино. Йўлакларига гилалар ёйилган, ҳар икки кишига уч хонали замонавий жиҳозланган хона ажратилган. Ҳамма шароит мавжуд.

Ўша кундан бошлаб биз — ўзбекларга гуржилар ўз меҳмондўстлигини, одамийлигини, ҳурматини исботлай бошладилар. Шанба, бозор кунлари шаҳар кезамиз. 1,5 км. юқорида жойлашган «Мтацминда» (Буюк тоғ)га, телевизион минорага осма йўлда чиқамиз, тарихий жойларга борамиз. Хуллас, томоша. Айниқса, қаҳвахоналарга кириб, гуржи виноларидан мазза қилиб бир қадах симириш, тўйиб хинкалдан (мантисимон озиқ) ейиш бизга ёқади. Севган машғулотишимиз гуржи халқи билан бирга бўлиш, унинг

қалбига яқин бориш эди. Гуржи баланд бу халқ ҳам асрлар оша кўп қийинчилик кўргандир. Аввало шунини айтиш керакки улар жуда тез жипслаша олади. Собик иттифоқ даврида ҳам бу халқ ватанида ўзи бек эди. Албатта, 70 йиллик империя даври бу халқни ҳам четлаб ўтмади. Лекин илгаридан тузумга нафрати кучли гуржилар 1956 йилдаёқ мустақиллик юришларини бошлаб юборган эди. Ўша юриш 1989 йилнинг 9 апрелида яна қайтарилди.

Ҳар қанча азоб кўрмасин, барибир болалигидан мағрур, танги, мард қилиб тарбияланган гуржи миллатининг қадди тик. Ахир болага туғилиши билан мардлик, тантилиқдан сабоқ берилса, бирор бир шубҳали, қўрқинчли гап айтиб, юргаи чўчитилмаса, у воғая етганда ботир, гурурли бўлиши турган гап-да.

Гуржи йигитларида ўз маъшукасига бўлган рашк кучли. Бу кучли рашк шубҳасиз ўша йигитнинг қизини чексиз севишидан дарак беради. Қани, уларнинг қизларига четдан бориб гап отиб кўринг-чи, маломатга қоласиз. Қизлари ҳам анча-мунча ибодил, ўз ошқиларига ўта содиқ ва вафолидир. Уларнинг тўйлари мард гуржиларнинг қувноқ қўшиқ ва рақслари билан тонггача давом этади.

Дарвоқе, шаҳарнинг жанубидаги тоғда бир аёл ҳайкали бор. У бир қўлида қилич, бир қўлида май ўшлаб турибди: Бунинг маъноси, душман келса қилич билан, дўст келса бир пиёла май билан кўтиб оламиз, демекдир.

Ғалпинг очиги, гуржи халқини мен ўзбек халқим билан меҳмондўстликда, самимиликда, одамийликда тенглаштирмаман. Гўё, гуржи таомларини еганда, унинг баъзи урф-одатларини кўрганда ўзимни Гуржистонда эмас Ўзбекистонда деб тасаввур қиламан. Бизнинг ўзбек-гуржи маданий, савдосотиқ, адабий алоқаларимиз қадимдан чамбарчас боғланган. Ҳозир ҳам давом этмоқда. Гуржи шоири Шота Руставелининг: «Кимки ўзига дўст изламаса, у ўзининг душманидир», деган доно ўғити бор.

Шу ўринда шоиримиз Эркин Воиждовнинг:

Дўст билан обод уйинг,  
Гар бўлса у вайрона ҳам,  
Дўст қадам қўямас экан,  
Вайронадир қошона ҳам.  
деган сатрлари ёдга тушади.

Чордона қуриб осмон билан ўпишаётган Кахития ҳавосидан баҳра олиб, сокин оқаётган дарёга тикилар эканман, ўрмон узра ўқираётган айёқ овозидан чўчиб кетаман... Гуржистонда кўрган-билганларим, гуржи халқининг мағрурлик хислати, тарихи, адабиёти, урф-одатларига садоқатидан менинг-да дилим ифтихорга тўлади...

Бош муҳаррир:  
Абдуҳошим  
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР  
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ  
Жуманазар  
БЕКНАЗАР  
Дадахон  
ЕҚУБОВ  
Муҳаббат  
ИБОДОВА  
Тўлқин ҲАЙИТ  
Юсуф ЗИЁД  
[Бош муҳаррир  
ўринбосари]  
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:

Бахтиёр  
ЭГАМБЕРДИЕВ  
Қувондиқ  
БЕРДИЕВОВ  
Мейли  
ИУЛДОШЕВ  
Рўзимат  
САФОВЕВ  
Абсалом  
УСАНОВ  
Баҳодир  
ЭШОНХОНОВ  
Урол  
ЎЗБЕК

Таҳририят  
келган хатларга  
ёзма жавоб  
қайтармайди.  
Шунингдек,  
фуқаролар  
билан  
ташкilotлар  
ўртасида  
воситачилик  
ҳам қилмайди.

Газетамиздан  
олинган  
маълумотлар  
«Оила ва  
жамият»дан  
деб кўрсатилиши  
шарт.

Газетамиз  
ҳомийлари —

Тошкентдаги  
«СЭВИЖ»  
тижорат жамияти,  
Ғаллаорол  
туманидаги  
«Ғаллаорол»,  
Муборак  
туманидаги  
Хитой давлат  
хўжалиги,  
Наманганди  
«Тўқимачи»  
маданият  
саройи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,  
Тошкент — 29  
Намойишлар  
хизмати,  
1-бино.  
Телефон:  
39—43—95  
Обуна  
индекси «4654  
Буюртма 42

Ўзбекистон  
Республикаси  
«ШАРҚ»  
нашриёт —  
матбаачилик  
концерни  
Тошкент шаҳри


1 2 3 4 5 6  
7 8 9 10 11 12

Хат

## УҚИЙ ОЛМАДИМ

Эрталаб дарсга кетаётиб, йўл-йўлакай «Ешлик» метро-бекати ёнидаги ойнома ва рўзномалар дўконидан «Оила ва жамият» сотиб олдим. Дарсга кирганимда, қўлимдаги рўзномани кўриб, гуруҳдошларимдан бири ўқиб чиқиш учун сўради, бердим. Ярим соатдан кейин сўрасам, дугонаси ўқийётганини айтди. Танаффусга яқин уни ўқитувчи кўриб қолди ва у қиздан рўзномани олиб, ўқиб бўлгач бераман, деди. Дарсдан қайтаётиб, яна дўконга келдим. Афсуски, «Оила ва жамият» қолмаган эди. Икки ўртада ўзим ўқий олмадим.

Қорабоев Зухриддин  
Тошкент дорншўнослик  
олийгоҳи толиби.



ЎЗА сурати

АНВАР ОБИДЖОН



— Шакарқишлоқ билан Ширинқишлоқнинг байроқлари қанақа!  
— Шакарқишлоқники оқ, Ширинқишлоқники оппоқ.

— Шакарқишлоқда нима бору нима йўқ!  
— Троллейбусчилар бору троллейбус йўқ.

— Шакарқишлоқ билан Ширинқишлоқ аҳолиси нима ҳисобига кун кечиради!  
— Иккала қишлоқ деҳқонлари ҳам бодринг экади. Бир-бирлари билан бир қолига бир қоп бодринг алмаштириб тирикчилик қилишади.

— Шакарқишлоқликларнинг фахри нима!  
— Донишмандлар кўплиги.  
— Армони-чи!  
— Донишмандларга муҳтожлар йўқлиги.

— Ширинқишлоқликлар билан шакарқишлоқликлар нимани ёқтиришадю нимани хушлашмайди!  
— Тухум уларнинг жон-дили, товуқни жинлари суймайди.

— Шакарқишлоқнинг ўз кинохонаси борми!  
— Дўқивой тажанг хотинини қувиб

келиб қишлоқнинг қаерида тутса, ўша ер кинохона.

— Буфет Ширинқишлоқнинг қайси тарафида!

— Улжа пиеннинг «Замон бизники» кўшиғи қаёқдан эшитилса, ўша ёқда.

— Шакарқишлоқ билан Ширинқишлоқда энг иззатли кишилар ким!  
— Шакарқишлоқликлар касал кўргани келмайдиган гўрковни, ширинқишлоқликлар аёлларнинг хомиласига аралашмайдиган мол дўхтирини ниҳоятда ҳурмат қилишади.

— Шакарқишлоқ йигитларининг спортга иштиёқи қандай!

— Қайтиб ерга кўнмаслик шарти билан ҳаммаси баландликка сакраш тўғарагига ёзилгани боришади.

— Ширинқишлоқ қизларининг муסיқага ҳаваси қалай!

— Улар чирмандани «такатумғал-вир», танбурни «динғирчумич» деб эъозлашади.

— Шакарқишлоқлик билан ширинқишлоқликни бир-биридан қандай фарқлаш мумкин!

— Нос сўрасанг, шакарқишлоқлик ўзини карликка солади, ширинқишлоқлик шунчаки эшитмагандек ўтиб кетади.



АВРОРА — Ашуласини варанглатиб революцияни овозалаган россиялик артист.

АЙҒОҚЧИ — Адолат йўқлигидан ғазабланувчилар ортидан қўйилган чарчамас иблис.

КОМИССАР — Коммунизмни Осиёга мослаштириш ишида сартларни силлиққина алдаган раҳбар.

ЛЕКТОР — Ленинизмнинг енгилмас кучлигини таъкидловчи оғизли радио.

МАНҚУРТ — Миллий аъналарни нобуд қилиб улгурган расволар табақаси.



Уй ёнмоқда беомон,  
Соҳиби юрар шодон  
Қуймади деб соқолим.

Етмиш йилки, бир мараз  
Такрор-такрор берар дарс:  
«Қўйда учта оёқ бор!!!»

Мен ходимман, сен раҳбар,  
Қўлни оч:— Оллоҳ Акбар!  
На мену на сен буюк...

## ОЛОМОН

— Гуноҳининг устида шундоқ. Уни ҳиппа қўлга туширдим...

— Ке, ука, бир бетига туфла, Мен чарчадим — роса тупурдим...

— Ўзбекларни худо қаҳрига йўлиқтирган ана ким экан!

— Мусулмонлар, уринг осийни!!!

— Айби нима?

— Қалбаса еган!



«АҚЛЛИЛИК» БАЛОСИ

Муаллиф: Н. БЕРДИЕВ

## БОЙЛАР ҲАМ ЙИҒЛАЙДИ

(МЕКСИКА ФИЛМИ ЎЗБЕКЛАР ҲАЁТИДА)

— Виждон, виждон дейсан, бойда виждон борми!! Уларнинг бари йиғлоқи-ку! Ишонмасанг, ана мексикаликларнинг киносини кўр,— деди Ялангтўш.

— Қоплонбек, ҳозир кино бошланиши керак, телевизорни қаерга яширдинг! Телевизор қани, телевизор!! Қоплонбек бош бармоғини кўрсаткич ва ўрта бармоқлари орасидан чиқариб: — Мана телевизор,— деди.

— Э, жиян,— деб гап бошлади Мирзакаримбой,— бу киноси ҳали-вери тугамайди. Кино кўрган билан одам бой бўлмайди, бой бўлмаган одамнинг қорни тўймайди.

— Сиз қочқоқсиз,— деди Қумуш ярим гина, ярим эркаланган оҳангда.— Шу «Мариана» бошингизни айлантириб қўйди. Биз бечораларни йўқлашни ҳам унутдингиз.

Давронбек ИБРОҲИМ

— Қўшим қўлалдош очофатнинг ити қўйимизнинг тўғидан тишлаб ярадор қилибди. Мана сенга итлик дедиму олапарини тутиб олиб, мен ҳам бир оёғини ғажиб ташладим.

— Бурхон кашанданинг қизига совчи келса, қалинига бир шишк сигарет сўраганимиш.

— Пайпоқ камайиб кетяпти. Аҳвол шундай давом этаверса, пулдорлар мақтаниш учун охири кўчага қуруқ пайпоқда чиқадиизан бўлишади.

— Украинадан келтирилган ширинсутдан олсам, қўшим «бонкасидаги ёзувига қараганда эски экан, бунда радиация бўлиши мумкин, бекор олибсан», деди. Радиацияси бўлса қолиб кетсин, деб ширинсутни эҳтиёт шартдан докада сузиб ичдим.

А. Б. БЕК.



Бугун жамоа хўжалигимиз томошахонасида пахта терими бошланиши олдидан Тошкентдан келган таниқли санъаткорлар иштирокида катта базм бўлади. Қишлоқдошлардан илтимос қиламиз, ўтган сафарига ўхшаб саҳнага чиқиб пул қистирилмасин.

Кимга совун керак бўлса, Мухтор ҳаммомчининг уйига бораверсин. Озми-кўпми ишлатилган ҳар хил хушбўй совунлар арзон нархда сотилади.

Чўлоқ товугим кимникига бориб қолган бўлса, тухумини «лиқ-лиқ» ютиб ётавермасдан жўнгина қайтариб берсин. Бунни катагарически талаб қилувчи — Ҳожиги қирриқ.

Эртага ёппасига Тўйчивойникига тўйга! Эшакда борилмасин, барибир ем берилмайди.

Ҳурматли келинлар! Сурма менинг уйимда эмас, Алихўжаникида сотиляпти. Хўжа-али.

О. ТОҲИРЖОН